

БОЛАЛАР ОРАСИДА ТИШ КАРИЕСИ КАСАЛЛИГИ ТЕКШИРИЛАЁТГАН БОЛАЛАРНИНГ КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахматова Дилнора Саиджоновна

Бухоро давлат тиббиёт институти

АННОТАЦИЯ

Замонавий стоматологияда болалар тиш қаттиқ тўқималари кариесини олдини олиш ва даволашнинг турли хил усулларини қўлланилишига қарамай, тиш қаттиқ тўқималарининг энг кенг тарқалган касалликларидан бири бўлиб қолмоқда. Сут тишларида кариес жараёнининг ривожланишига ҳисса қўшадиган юзлаб сабаблар мавжуд. Улардан энг муҳимлари ижтимоий-демографик, биологик, парҳезли, гигиеник ва овқатланиш турига боғлиқ омиллардир. Бундай ҳолда, бир қатор ҳолатларнинг келиб чиқиши ёки сусайиши кейинчалик болаларда кариеснинг эрта ривожланишини аниқлайди.

***Калит сўзлари.** кариес касаллиги, тиш қаттиқ тўқималари, стоматологик ёрдам, эпидемиологический статистический обзор.*

КЛИНИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ДЕТЕЙ, ОБСЛЕДУЕМЫХ ПО ПОВОДУ КАРИЕСА ЗУБОВ У ДЕТЕЙ

Рахматова Дилнора Саиджоновна

Бухарский государственный медицинский институт

АННОТАЦИЯ

В современной стоматологии, несмотря на применение различных методов профилактики и лечения кариеса твердых тканей зубов, он остается одним из наиболее распространенных заболеваний твердых тканей зуба. Существуют сотни причин, способствующих развитию кариеса молочных зубов. Важнейшими из них являются социально-демографические, биологические, диетические, гигиенические и алиментарные факторы. В этом случае возникновение или ослабление ряда условий в дальнейшем будет определять раннее развитие кариеса у детей.

***Ключевые слова.** кариес, твердые ткани зубов, стоматологическая помощь, эпидемиологический статистический обзор.*

CLINICAL CHARACTERISTICS OF CHILDREN UNDER INVESTIGATION FOR DENTAL CARIES AMONG CHILDREN

Rakhmatova Dilnora Saidojnovna

Bukhara State Medical Institute

In modern dentistry, despite the use of various methods of prevention and treatment of dental hard tissue caries, it remains one of the most common diseases of dental hard tissue. There are hundreds of reasons that contribute to the development of caries in milk teeth. The most important of them are socio-demographic, biological, dietary, hygienic and nutritional factors. In this case, the occurrence or attenuation of a number of conditions will later determine the early development of caries in children.

Keywords: *caries disease, dental hard tissues, dental care, epidemiological statistical review.*

Дунё миқёсида болалар орасида кариес касаллиги диагностикаси, даволаш ва профилактикаси, беморларга стоматологик ёрдам кўрсатишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тиш қаттиқ тўқимаси кариеси – турли географик худудлар ва дунёнинг турли мамлакатлари аҳолиси орасида кенг тарқалган. (1). Болаларда тиш кариеси касаллигининг кенг тарқалганлиги ва даволаш-профилактик чоралари самарадорлигининг пастлиги сабабли соғлиқни сақлаш учун жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. (2).

Болалар ёшида тиш қаттиқ тўқималари кариесини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш борасида олиб борилган қатор маҳаллий ва хорижий олимлар илмий изланишларида мутахассисларга кариес ташхиси билан энг кўп мурожаат қилишади (5) ва патологик жараён вужудга келишининг асосий омиллари сифатида – **ижтимоий-демографик, биологик, гигиеник ва овқатланиш тури келтирилади** (6), шунингдек, рухий - ҳиссий ҳолатнинг бузилиши ҳам кариес ривожланишининг муҳим этиологик омилли эканлигини кўрсатиб ўтишган (7).

Маълумки, тадқиқотларда патология белгиларини аниқ намоён эта оладиган усулларни яратиш, жумладан клиник-функционал, биокимёвий, иммун-микробиологик, ижтимоий ва ускунавий тадқиқотлар (4) натижасида тиш қаттиқ тўқимаси деминерализацияси, оғиз суюқлиги минерал таркибининг ўзгариши, тиш-милк чўнтаги микрофлорасининг ўзгариши ва патология орасида узлуксиз боғлиқ бўлиши таъкидланган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда болаларда тиш кариесини олдини олиш ва даволашда мия фалажи мавжуд болаларда РОСГ гелидан (1), ревматик

касаллиги бор болалардаги бошланғич кариесни даволаш учун —Tooth Mousse нинг биоактив фтор сақловчи янги авлод вакили Нанофлюор гелидан (7) фойдаланиш тавсия этилган.

Бундан ташқари жисмоний ноқулайлик ва функционал бузилишлари, боланинг эмоционал, ижтимоий ва оилавий хотиржамлиги ўзгаришларига боғлиқ ҳолатларда ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган дастур (9) тавсия этилган, бу профилактика ва даволашнинг янги усуллари ҳосил бўлишига олиб келди. Болалар оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатининг ёмонлашувида касаллик ривожланиш хавфи ва оғирлик даражаси анча юқори бўлиб, бундай омиллар кўп жиҳатдан касалликнинг ривожланиши ва клиник кечишига таъсир қилади (7).

Бундан ташқари аҳолининг турли қатламлари орасида тиш қаттиқ тўқималарини эрта ташхислаш, хавф омилларини баҳолаш ва терапевтик даволаш самарадорлигини ошириш борасида қатор олимлар томонидан илмий тадқиқотлар ўтказилган (9). Бироқ, болалар турли ёш гуруҳларида тиш қаттиқ тўқималари бошланғич кариесини тиш қаттиқ тўқималари реминерализацияси билан бир қаторда кариесоген микрофлорани нормаллаштиришга қаратилган даволаш усуллари такомиллаштирилмаган ва стоматологик амалиётга тадбиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади. болаларда тишлар кариесини олдини олиш ва мажмуавий даволаш усуллари асослашдан иборат.

Тадқиқот материали ва методи. Тадқиқотнинг асоси сифатида йиллик статистик ҳисоботлар ва икки эпидемиологик статистик кўриклар натижаларига кўра (2018-2020 йиллар) Бухоро вилояти аҳолиси орасида тиш кариесининг тарқалиши ва унинг жадаллигини мажмуавий ўрганиш, жорий этилишида бевосита ва билвосита натижаларининг таҳлилини амалга ошириб, тиш кариесининг индивидуаллашган профилактика дастурларини ишлаб чиқиш танлаб олинган. Қўйилган мақсадни амалга оширишда:

3 йиллик давр мобайнида Бухоро вилоят шаҳар ва туманлари аҳолисида тишлар кариеси тарқалганлиги ва жадаллигининг мониторинги;

- индивидуал профилактик дастурни ишлаб чиқиш ва унинг болалар ва ўсмирлар орасида жорий этилганлигидан кейинги клиник самарадорлигини баҳолаш амалга оширилди.

Шаҳар ва туманда тишлар кариесининг тарқалганлиги динамикаси ва жадаллигининг тенденцияларини аниқлашда бу кўрсаткичларнинг шаҳар ва қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг 3 асосий (6-9, 10-12, 13-15) ёш категорияларидаги ўртача кўрсаткичларини ҳисобланди ва 3 йиллик давр мобайнидаги фарқларнинг ишончлилигини баҳоланди.

Кўриқлар туманлар ЖССТнинг (ЖССТ, 1997) мезонлари бўйича баҳолаш услубларига олдиндан тайёрланган мутахассислар билан биргаликда Бухоро давлат тиббиёт институтининг болалар стоматологияси кафедрасида бажарилган. Кўриқ натижалари ягона қайд карталарига киритилиб, махсус компьютер дастури ёрдамида таҳлил этилиб статистик таҳлил базасини яратишга имкон берди. Жами 2018 йилда 4181 киши ва 2020 йилда 4955 кишининг эпидемиологик стоматологик кўриқнинг кўрсаткичларини таҳлил қилинди. Турли ёш гуруҳидаги болалардаги тишлар кариесининг профилактикаси ва қўйилган вазифаларни бажаришда 2017 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда Бухоро давлат тиббиёт институтининг стоматологик клиникаси (бош врач - М.А. Астанов) ва болалар стоматологияси кафедраси (кафедра мудири т.ф.н., доц. Камалова) базасида 3 йил давомида бажарилиб, 134 та мижоз иштирок этган уларнинг стоматологик статуси бўйича комплекс кўриқ, болалар кариесини даволашга эҳтиёжни баҳолайдиган ва уни мактабгача бўлган болаларда ўтказиш бўйича рационал ёндашувларни асослайдиган индивидуаллаштирилган дастур ишлаб чиқилган. КПО кўрсаткичларининг қийёсий баҳолалини қўшимча назорат гуруҳи орқали амалга оширилиб, у ўзига 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган профилактик дастурларда аввал иштирок этмаган 36 болани қамраб олади.

Тадқиқот ишининг натижалари. 2019 йилда Бухоро вилояти аҳолиси орасидан болаларда асосий стоматологик касалликлар – тиш кариеси ва пародонтнинг яллиғланиш касалликларининг тарқалиши ва жадаллигининг ўртача кўрсаткичлари 1 жадвалда акс этирилган.


1-жадвал

Тишлар кариесининг асосий ёш гуруҳларида тарқалганлиги ва жадаллиги.


Ёш	Тишлар кариесининг тарқалганлиги	Тишлар кариесининг тарқалганлиги			
		К	П	О	КПО
вақтинчалик тишлар					
6	84%	2,94	1,48	0,36	4,78
доимий тишлар					
6-9	13%	0,20	0,10	0,00	0,30
10-12	72%	1,17	1,30	0,04	2,51
13-15	82%	1,57	2,15	0,09	3,81

Юқорида тақдим этилган статистик маълумотларга асосланиб, Бухоро вилояти аҳолиси эрта ва ўрта ёшдаги болалар орасида тиш кариеси билан касалланганлик даражасининг кўрсаткичлари шакллантирилди, жумладан 84% олти ёшгача бўлган болаларда тиш кариесининг мавжудлиги аниқланган бўлса, 12 ёшли болаларнинг 75 фоизида мавжудлиги қайд қилинган. 15 ёшли ўсмирларнинг деярли ярмида тишолди парадонтининг яллиғланиши кузатилди.


Тишлар кариесининг тарқалганлиги ва жадаллигининг кўрсаткичлари динамикаси 1-3 расмларда кўрсатилган.



1 расм. 2018 (I) ва 2020 (II) йилларда 6 ёшли болаларда вақтинчалик тишлар кариесининг жадаллиги



2. Расм. Бухоро вилояти болаларида 2018 (I) и 2020 (II) йилларда доимий тишлар кариесининг тарқалганлиги.



3 Расм. 2018 (I) и 2020 (II) йилларда болаларда доимий тишлар кариеснинг жадаллиги.

Болалар орасида касалланишнинг тахлили динамикаси 6 ёшли болаларда 3 йиллик даврда вақтинчалик тишлар кариеси жадаллигининг ўртача кўрсаткичларининг барқарорлиги кўрсатди. Бунда КПО таркибида компонентларнинг қайта тақсимланиши кузатилди: кариоз тишларнинг сони 15 % га камайди, пломбаланган тишларнинг сони 2018 йилга қараганда 2,5 бараварга ошди. Бунда 2020 йилда 12 ёшли болаларда тиш қаттиқ тўқимасининг кариеси ривожланишининг градацияси паст эканлиги қайд қилинди (ЖССТ). Ҳар бир ёш категориясига мансуб беморларда тиш қаттиқ тўқимасининг кариеси ривожланиши 30 фоизга пасайди. 2020-йилдаги тишларни олиб ташлаш муолажаларининг умумий сони 50-65% пасайгани қайд қилинди. Бу, албатта, стоматология амалиётида клиник диагностика ва даволаш методологиясининг ривожланаётганлигидан далолат беради.

Эрта ёшли болаларда тишолди пародонт тўқималарининг шикастланиш белгиларининг тарқалишида мезоний-кўрсаткич жиҳатидан маълум пасайишни мазкур диаграммада кўриш мумкин. Хусусан, сўнгги икки йилда (2020-2021 йй., 2018-2019 йилларга нисбатан нисбатан) парадонт тўқимаси шикастланишининг тарқалганлик даражаси, мос ҳолда 15 ва 16,5 фоизга пасайди.

Шаҳарда яшовчи 12 ёшли болаларда тишлар кариесининг жадаллиги қишлоқ жойларида яшовчи болаларга қараганда юқори бўлди, лекин «К» компонентининг қиймати шаҳар ва қишлоқ болаларида деярли бир хил эканлиги аниқланди. Пломбаланган тишларнинг сони ($p < 0,001$) шаҳарда яшовчи

болаларда ($1,32 \pm 0,07$) қишлоқда яшовчиларга ($0,39 \pm 0,04$) қараганда кўп бўлган. 15 ёшлилар орасида КПО индекслари қиймати қишлоқ туманларига қараганда шаҳарда юқори бўлган ($4,30 \pm 0,21$ ва $2,48 \pm 0,15$, $p < 0,001$). Шунингдек, «К» ва «П» компонентлари қиймати ($1,84 \pm 0,10$ ва $2,26 \pm 0,11$) шаҳарда қишлоқ болаларига ($1,43 \pm 0,07$ и $0,72 \pm 0,06$) қараганда юқорироқ ($p < 0,001$) бўлган.

Шундай қилиб, тишлар кариесининг жадаллигини таҳлил қилишда қишлоқ болаларида уларнинг шаҳарлик тенгдошларига қараганда вақтинчалик тишларда ҳам доимий тишларда ҳам кариеснинг янада юқори кўрсаткичлари тенденцияси қайд этилди.

Хулоса. Комплекс стоматологик даволаш мақсадида сут тишлари тиш чуқурчаларини ёпиш (фиссур герметизация), витамин D₃ ва кальций препаратларини тайинлаш (педиатр назорати остида), фтор лакни экзоген қўллаш, оғиз бўшлиғи шахсий гигиенасига ўргатиш ва даво муолажасининг ҳар 6-8 ойда такрорий курсларини ўтказиш тиш қаттиқ тўқимаси кариесини олдини олишга асос бўлди. 12 ёшли болаларда КПО индексининг қийматлари сезиларли даражада фарқ қилмади, гарчи қишлоқ болаларида К компонентининг қиймати 2 баравар юқори. 15 ёшли болаларда КПУ индексининг ўртача қиймати ($3,31 \pm 0,15$) ва унинг таркибий қисми бўлган “К” ($1,85 \pm 0,10$) қишлоқ жойларидан келган болаларга нисбатан юқори ($p < 0,05$) бўлиб чиқди. Шаҳардаги тенгдошлари (мос равишда $2,80 \pm 0,12$ ва $1,06 \pm 0,06$), П компоненти эса қишлоқ ($1,38 \pm 0,07$) болаларга қараганда шаҳарлик болаларда ($1,69 \pm 0,08$) юқори ($p < 0,05$).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Inoyatov A. Sh. Rakhmatova D. S., Kamalova F. R., Afakova M. Sh. Improving the prevention and treatment of dental caries in children // Тиббиётда янги кун. – Бухоро. 2019. – N. 3 (27). – С. 18-20. (14.00.00; N. 22).
2. Инояттов А. Ш., Рахматова Д. С., Камалова Ф. Р., Афакова М. Ш. Совершенствование профилактики кариеса зубов у детей // Тиббиётда янги кун. – Бухоро. 2019. – N. 3 (27). – С. 99- 102. (14.00.00; N. 22).
3. Inoyatov A. Sh., Rakhmatova D. S., Ismoilov I. I. In the treatment of caries disease and in the profilactics of this disease, the application of the capsule of tooth washing “Aerodent” // World journal of pharmaceutical research. – India, 2020. – N. 9 (4). – С. 48-52. (Impact factor 8.084)
4. Инояттов А. Ш., Рахматова Д. С. Совершенствование профилактики и лечения кариеса зубов у детей // Тиббиётда янги кун. – Бухоро, 2020. – N. .3 (30). – С. 371-374. (14.00.00; N. 22).

5. Rahmatova D. S., Xojjiyev D. Y. Modern concepts of the causes of development, prevention and principles of treatment of dental caries in children //American Journal of Medicine and Medical Sciences. – America, 2020. – T. 10. – N. 11. – C. 908-910 (14.00.00, N 2).
6. Rahmatova D. S. Invention of a New Means" Aerodent" for the Primary Prevention of Dental Caries in Children //Middle European Scientific Bulletin. – Chexia, 2021. – T. 13. – C. 212-215. (Impact factor 7.8)
7. Rahmatova D. S. Modern concepts of the causes of development, prevention and principles of treatment of dental caries in children //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – India, 2021. – T. 8. N. 1. – C. 1477-1482. (Scopus Q3).
8. Rahmatova D. S. Modern prevention and effective treatment of dental caries in children // International engineering journal for research and development. Spain – 2020. – N. 5 (9). – C. 1-7. (Impact factor 6.5)
9. Rakhmatova D. S. Features of treatment of dental caries in children using medicine Aerodent // International Engineering Journal For Research & Development. India – 2020. – T. 5. – N. . 29. – C. 4-8.
10. Raxmatova D.S. Methods of using the Aerodent dental cleaning capsule for the prevention and treatment of caries and stomatitis // Internationale Scientific Conference Certificate of participation Sofa. Sofa.– 2020. – P.60-62.
11. Raxmatova D.S. Features of treatment of traumatic dental injuries and stomatitis in children // Internationale Scientific Conference Poland. – 2021. – P.43-48.
12. Рахматова Д. С. Эрта ёшдаги болалар тиш кариесини олдини олишда тиш ҳолатининг динамикасини ўрганиш // Биология и интегративная медицина. – Бухоро, 2021. – N. 4 (51). – C. 24-37.
13. Рахматова Д.С. Болаларда тиш кариеси профилактикаси учун қизилмия илдиздан олинган экстракт сақловчи янги Аэродент тиш ювий қурилмасидан фойдаланиш // Биология и интегративная медицина. – Бухоро, 2021. – N. 4 (51). – C. 51-56.
14. Rahmatova D. S. Modern prevention and effective treatment of dental caries in children // Central Asian journal of medical and natural sciences. – Ispania 2021. – T. 2. – N. 3. – C. 345-349.
15. Rahmatova D. S. Method for improving the prevention of dental caries in children using the device Aerodent //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. Indonezia – 2021. – T. 1. – N. 01. – C. 26-32. (Impact factor 7.567)
16. Rahmatova D. S. Use of new dental cleaning device aerodent which containing malt root extract for caries prevention in children //International Journal of

Innovative Analyses and Emerging Technology. – India, 2021. – Т. 1. – N. 4. – С. 155-158.

17. Rakhmatova D. S. Of Caries Prevention in Children When Using Aerodent //Eurasian Scientific Herald. – Belgiya, 2021. – Т. 2. – С. 59-63.

18. Raxmatova D. S. Evaluation of the effectiveness of the “Aerodent” device in different age groups of children //European journal of modern medicine and practice. – Belgiya, 2022. – Т. 2. – N. 3. – С. 66-70.

19. Akhmedov A.B., Rakhmatova D.S. Evaluation of the clinical and functional efficiency of the “Aerodent” device in the prevention of dental caries in children // // Stomatologiya. –Тошкент, 2022. – N. 1 (86). – С. 52-56. (14.00.21, N. 12)

20. Рахматова Д.С. Методы использования зубной чистящей капсулы Аэродент при лечении кариеса и стоматитов // Теоритические и практические аспекты современной медицины Сборник статей по материалам Международной научно-практической конференции. 3-4 Январь –Новосибирск, 2019 г. – N. 1(3). – С. 61.

21. Рахматова Д.С. Особенности лечения травматических повреждений у детей с использованием лекарственного средства // «ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ЖӘНЕ СЕРІКТЕС ЕЛДЕРДІҢ ЖООЛАРЫНДА. Вестник – Казахстан, 2020. – N. 1 (89). – С. 3-7.